

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

2005 йил июлдан чиңа бошлаган

**ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ**

Хужжат сатри ортида

ИСТИҚБОЛ ЙҮЛЛАРИ

Президентнинг «2011–2015 йилларда инфратузилиши, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириши жадаллаштириш түгрисида» қарори (2010 йил 21 декабрдаги ПК-1446-сон, бундан кейин – ПК-1446-сон қарор) билан яқин беш йил ичидаги инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришнинг асосий устувор жиҳатлари белгиланди.

Улар сирасига қўйидагилар киради: транспорт коммуникациялари, замонавий телекоммуникация тизимлари, муҳандислик инфратузилмаси обьектларини комплекс равишда ва илдам ривожлантириш хамда қуриш; республиканинг барча минақаларини пухта бирлаштирадиган ягона миллий автомобиль транспорт тизимини яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириши жадаллаштириш; замонавий телекоммуникация тармоқлари ва иншоотларини ривожлантириш, уяли алоқа хамда маълумотларни кенг йўлакли узатиш тармоқларини кенгайтириш, республика минақаларида рақамли телевидениега босқичма-босқич ўтиш; транспортда юк ташини ташкиллаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш; ҳалқаро транспорт коммуникацияларига қисқа йўллар билан чиқишини ва транзит юк ташин кўпайишини таъминлайдиган янги транспорт йўлакларини шакллантириш ва кўпайтириш; миллий автомагистрал ёқаси ва темир йўллар бўйлаб инфратузилма ва сервис обьектларини қуриш хамда реконструкция қилиш; республика минақаларида муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуришни кенгайтириш ва бошқа йўналишлар.

Хужжат билан 2011–2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириши жадаллаштириш дастури маъқуланди. Унинг прогнозларига кўра 2011–2015 йилларда Ўзбекистон миллий автомагистрални таркиби кирадиган 2 306 км автомобиль йўллари қурилади ва реконструкция қилинади. Чунончи, 1 400 км дан кўпроқ янги участкалар қурилади, 900 км га яқин йўлларни 10 тонналик ўқ юкламасидан 13 тонналик ўқ юкламасига ўтказилади.

Ўзбекистон миллий автомагистрални бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервисни ривожлантиришнинг мақсадли параметрларига мувофиқ 36 та кўп турдаги ёқилғи автокийиш шохобчаси, 49 та автогаз тўлдириш компрессор шохобчаси хамда авария-чақирив хизматлари билан биргаликда 78 та техник ёрдам ва тиббий ёрдам шохобчаси қурилади.

Ушбу 5 йиллик инвестициялар ҳажмининг прогнози 6 935,5 млн долларни ташкил қилади. Дастурни рўёба чиқариш 14 000 га яқин янги иш жойларини барпо этиш имконини беради.

**Мария ТУХТАРОВА,
«Norma» МЧЖ юристи.**

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

СУФУРТА ҚИЛМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБ БЕРАСИЗ

2010 йил 20 декабрдаги ЎРК-268-сон Қонун («СБХ»нинг 2010 йил 30 декабрдаги 52 (856)-сонида чоп этилган) билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс «Иш берувчи нинг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта килиш бўйича мажбуриятини бажармаслиги» номли 49²-модда билан тўлдирилди. Унга мувофиқ иш берувчига ЭКИХнинг 2 бараваридан 5 бараваригача – фуқаролар учун; ЭКИХнинг 7 бараваридан 10 бараваригача – мансабдор шахслар учун жарима солиниши назарда тутилган.

Янги жорий этилган модда доирасидаги иш берувчиларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриб чиқиш вазифалари меҳнат бўйича давлат техник инспекторларига берилиди.

Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2010 йил 21 декабрда чоп этилган кундан бошлаб кучга кирди.

РИЭЛТОРЛАР УЧУН ҚОНУН

Мамлакат Парламенти томонидан 2010 йил 22 декабрда «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги ЎРК-269-сон Қонун қабул қилинди («СБХ»нинг 2010 йил 30 декабрдаги 52 (856)-сонида чоп этилган). Унга мувофиқ риэлторлик фаолияти деганда юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк обьектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш билан боғлиқ хизматларни шартнома асосида кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолиятини тушуниш керак. У энди лицензияланадиган фаолият турлари қаторига киради.

Риэлторлик ташкилотли лицензияга, риэлторнинг малака сертификатига эга бўлган камиди иккни нафар ходим, шу жумладан риэлторлик ташкилотининг раҳбарига, фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш полисига эга бўлиши керак. У риэлторлик фаолиятидан ташқари бошқа фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига эга эмас, давлат хокимиюти ва бошқарув органлари томонидан ташкил этилиши мумкин эмас.

Риэлтор – жисмоний шахс фақат маалака сертификатига ва кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш учун лицензияга эга бўлган ҳолда якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширади. У шунингдек ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта килиш полисига эга бўлиши керак.

Қонунда риэлторлик хизматлари турлари белгиланган, уларнинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан муносабатлари хамда бошқа масалалар тартиби солинган.

Қонун «Халқ сўзи» газетасида

2010 йил 23 декабрда чоп этилган кундан бошлаб олти ой ўтганидан кейин кучга киради.

2010 йил 22 декабрдаги ЎРК-270-сон Қонун («СБХ»нинг 2010 йил 30 декабрдаги 52 (856)-сонида чоп этилган) билан Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб килинадиган фаолият турларининг рўйхатига (Олий Мажлиснинг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сон қарорига 1-йолова) кўшимча киритилди. Унга биноан энди риэлторлик фаолияти ҳам лицензияланиши керак.

Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2010 йил 23 декабрда чоп этилган кундан бошлаб олти ой ўтганидан кейин кучга киради.

ЁРДАМ БЕРГАНЛАР ЖАЗОЛАНМАЙДИ

2010 йил 22 декабрдаги ЎРК-271-сон Қонун («СБХ»нинг 2010 йил 30 декабрдаги 52 (856)-сонида чоп этилган) билан Жиноят кодексининг 177-моддасига кўшимча киритилди. Унга биноан валюта қимматликларини қонунга хилоф равиша олган ёки ўтказган шахслар тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни очишига фаол ёрдам берган тақдирда жавобгарлика тортилмайди.

Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2010 йил 23 декабрда чоп этилган кундан бошлаб кучга кирди.


ПЕНСИЯ ОЛИШГА ДОИР ЯНГИЛИКЛАР

2010 йил 22 декабрдаги ЎРК-272-сон Қонун («СБХ»нинг 2010 йил 30 декабрдаги 52 (856)-сонида чоп этилган) билан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга хамда Мехнат кодексига ўзгартариш ва кўшимчалар киритилди.

Чунончи, етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ўшга доир пенсиялар мавжуд стажга мутаносиб микдорда, кўидаги соҳаларда камиди 5 йиллик иш стажига эга бўлган тақдирда тайинланади: ҳар қандай иш ёки якка тартибдаги меҳнат фаолияти, агар бунда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган бўлса; ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари хамда кўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат килиш; ҳарбийлаштирилган сокчиликдаги, махсус алоқа органлари ва тоф-кон-кутқарув кисмларидаги хизмат.

Экология фалокати минақасидаги ишларни фуқаролар эндиликда имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Айрим тоифадаги ходимлар пенсияга 5 йил олдин чиқиш ҳуқуқидан маҳрум бўлдилар. Ногиронлик пенсиялари энди фақат I ва II гурӯх ногиронлари деб топилган шахсларга тайинланади.

Ўзгартаришларга биноан, Ўзбекистон



Республикаси муассасалари ва халқаро ташкилотлар ходимлари хотинларининг чет элда бўлган вақти, чўпонлар хотинларининг ишга жойлашиш имконияти бўлмаган яловларда эри билан бирга яшаган вақти, шунингдек ўтга маҳсус ўкув юргарларида, билим юртларида, мактабларда, кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ва янги ихтисоси ўрганиш мактаблари ва курсларида ўқишиш иш стажига кўшиб хисобланмайди (фақат олий таълим муассасаларида, аспирантурада, докторантурада ва клини ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан чет элда ўқиш кўшиб хисобланади). Шунингдек, иш стажига энди онанинг болаларини гўдаклик ёшида парваришилган вақти эмас, балки бола 3 ёшга тўлгунча болани парваришилган таътилларида бўлиш вақти, лекин ҳаммасини жамлаганда кўли билан 3 йил (олдин – 6 йил) кўшиб хисобланади.

Минтақавий коэффициент белгиланган (бекор килинган) ёки унинг мидори ўзгартган тақдирда пенсия қайта хисобланмайди.

Хужжат билан белгиланишича, 2016 йил 1 январдан бошлаб мулкчилик шаклидан қатби назар, корхоналар ва ташкилотлар бокувчисини йўқотганлик учун, шунингдек ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майбланганилиги ёки касб касаллигига учраганлиги оқибатидаги ногиронлик учун; меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар пенсия ёшига тўлгунга қадар тайинланган пенсияларни тўлаш харажатларининг ўрнини қопловчи пулни иш ҳақи тўлашга мўлжалланган маблаглар хисобидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказади.

Белгиланишича, меҳнат шартномаси ходимнинг пенсия ёшига тўлгунлиги ва ўшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқ мавжуд бўлганда иш берувчининг ташаббусига кўра бекор килиниши мумкин.

Қонун 2011 йил 1 январдан кучга кирди. Қонун 1-моддасининг 15-банди 2016 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилади. «Халқ сўзи» газетасида 2010 йил 23 декабрда чоп этилган.

РАМЗЛАР ХИМОЯ ОСТИДА

2010 йил 24 декабрдағи ЎРК-273-сон Қонун («СБХ»нинг 2010 йил

2-бетда

1-2-бетлар

Янги ҳужжатларга
қисқа шарҳ

3-бет

Қалбаки ароқ
йўлига ғов бўлиб...

4-бет

ТМЭК: ногиронликни
белгилашдаги ўзгаришлар

9-14-бетлар

Январь-февраль ойларида
кимлар текширилади?

\$1 = 1643,86 сўм

€ 1 = 2172,21

£ 1 = 2554,39 сўм

¥ 10 = 197,91 сўм

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

30 декабрдаги 52 (856)-сонда чөп этилган билан Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Маъмурй жавобгарлик түгрисидаги кодексга ўзгариши ва кўшимчалар киритилди. Чунончи, Кодекс 2031-«Давлат рамзлари түгрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш» мөддаси билан тўлдирилди. Эндиликада Ўзбекистон Республикаси ёки Қарақалпоғистон Республикасининг Давлат байробги, давлат герби ёхуд давлат мадҳияси түгрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик фуқароларга ЭКИХнинг 3 бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ЭКИХнинг 3 бараваридан 7 бараваригача миқдорда жарима солиға сабаб бўлади. Конубузарлик тақорор содир этилган тақдирда фуқароларга ЭКИХнинг 3 бараваридан 5 бараваригача, мансабдор шахсларга эса ЭКИХнинг 7 бараваридан 10 бараваригача жарима солинади.

Қонун «Халик сўзи» газетасида 2010 йил 25 декабрда чөп этилган кундан бошлаб кучга кирди.

1-бетда

2010 йил 24 декабрдаги – ЎРҚ-274-сон Қонун («СБХ»нинг 2010 йил 30 декабрдаги 52 (856)-сонда чөп этилган) билан солиқ ва бюджет сийесатининг 2011 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул килинганини мусобабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариши ва кўшимчалар киритилди. Маъмурй жавобгарлик түгрисидаги кодекс вақтича меҳнатга қобилиятсизлик, хомиладорлик ва туғиш нафақатларни қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаганик, шунингдек ходимлар сонини яширгани учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалар билан тўлдирилди.

«Боҳ тарифи түгрисида»ги Конунга киритилган ўзгаришиларга биноан импорт ва экспорт божларининг ставкалари энди Президент қарори билан белгиланади (аввал улар Вазирлар Маъкамаси томонидан белгиланган). Энди мамлакатга бюджетдан таъминланадиган ташкилотлар томонидан (ёки уларнинг буюртмалари бўйича) бюджет маблағлари хисобидан ўз эҳтиёжлари учун олиб кирладиган товарлардан умумий тартибда божхона божи ундирилади (олдин улар божхона божидан озод қилинган эди).

«Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш түгрисида»ги Конунга киритилган кўшимчага мувофиқ, назорат қўлиувчи органлар редакдан ташкири текширувлари факат ҳукumatнинг қарорларидан келиб чиқсанда эмас, балки Президент қарорларидан келиб чиқсанда ҳам ўтказишлар мумкин.

Солик кодексига киритилган ўзгариши ва кўшимчалар ҳақида «2011 йилда солик солишидаги янгиликлар мақолосида» («СБХ»нинг 2010 йил 30 декабрдаги 52 (856)-сони) ва ДСКнинг «2011 йилда соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларидаги ўзгаришлар, шунингдек солик солишининг айрим масалалари түгрисида ахборот»да («СБХ»нинг 2011 йил 11 январдағи 1-сони) батафсил ўқишиңгиз мумкин.

БОЗОР ТЎЛГАНЛИГИ ДАРАЖАСИ АНИҚЛАНАДИ

Вазирлар Маъкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сон қарори билан Саноат

МДҲ ВА БОЛТИҚБҮЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	13.01.2011	1	0,7975	1	1,0451	1	0,0265
Арманистон	13.01.2011	1	364,26	1	479,11	1	12,10
Беларусь	14.01.2011	1	3010,00	1	3951,83	1	100,02
Грузия	13.01.2011	1	1,8018	1	2,3425	1	5,9272
Қозогистон	14.01.2011	1	147,12	1	193,32	1	4,89
Қирғизистон	14.01.2011	1	47,4143	1	61,854	1	1,5542
Латвия	14.01.2011	1	0,537	1	0,702804	1	0,0178
Литва	14.01.2011	1	2,6294	1	3,4528	10	8,7363
Молдавия	13.01.2011	1	12,3446	1	16,0109	1	0,4067
Тоҷикистон	14.01.2011	1	4,4029	1	5,8959	10	1,4833
Ўзбекистон	11.01.2011	1	1643,86	1	2172,21	1	54,16
Украина	13.01.2011	100	795,82	100	1032,4173	10	2,6179
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Менба: www.prime-tass.ru

- ✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
 - Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
 - ДОЛЗАРБ ИНТЕРВЬЮ
 - Нархиз қарор, нархига
 - ✓ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ШАРХИ
 - ТМЭР қоидалари янгиланди
 - ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Президентининг қарори
 - Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроқитисодий кўрсаткичлари прогнозин ва давлат бюджетини параметрларни түгрисида.
 - Идоравий-меъбрий ҳужжатлар:

кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариши мажаллийлаштириш дастурiga киритиш учун лойиҳаларни кўриб чиқишида ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлғанлигини аниқлаш тартиби түгрисидаги низом тасдиқланди.

Чунончи, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар улуши 80 фоиздан кўп бўлганда бозор товар билан тўлған хисобланади. Товар бозорларининг тўлғанлиги даражасини аниқлаш статистика органларидан давлат божхона хизмати органларидан, шунингдек, давлат ва хўжалик башкавруви бошқа органларидан ва хўжалик юритувчи субъектлардан олинган маълумотлар асосида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси томонидан амалга оширилади. Улар асосида Кўмита Иқтисодиёт вазирлигига рақобат муҳити, монополаштириш даражаси ва ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлғанлиги даражаси тўгрисида тегиши хуласага тақдим этади.

МАЖБУРИЙ БЎЛМАГАН, ЛЕКИН МАҶБУЛ РЕАБИЛИТАЦИЯ

Вазирлар Маъкамасининг 2010 йил 23 декабрдаги 307-сон қарори билан ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация қилиши самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари қабул қилинди («СБХ»нинг 2011 йил 13 январдаги 2 (858)-сонда чөп этилган). Чунончи, Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастuri тўгрисидаги низом (янги таҳrirда) ҳамда Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастurinинг янги шакли тасдиқланди. 307-сон қарор қабул қилингунгача расмийлаштирилган ва берилган эски намунадаги Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастurлari ногиронларни навбатдаги қайта кўридан ўтказгунгача ёки уларда кўрсатилган реабилитация тадбирларини амалга ошириш (агар ногиронлик муддатсиз белгиланган бўлса) тугағунгача ҳақиқийdir.

Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастuri ташкилий-ҳуқуқий ва мулчиллик шаклидан қатъи назар ижро чиқарилади. Дастur ногирон учун тавсия тусига эга бўлиб, ногирон реабилитация қилиш чора-тадбирларининг уёки бу турини, шакли ва ҳажми, шунингдек дастurinинг амалга оширилишини бутунлай рад этиши мумкин. У ногироннинг (ёки унинг қонунин вакилининг) мажбурий иштирокида реабилитация-эксперт диагностикасини ўтказиш; реабилитация потенциали ва реабилитация прогностини баҳолаш; ногиронга майший, ижтимоий ва касбий фоалиятни бажаришда бузилган қобилиятни тиқлаш ёки уни компенсация қилиш имконини берадиган тадбирларни, техник воситалар ва хизматларни белгилаш йўли билан ишлаб чиқилади.

АВТОТАШИШЛАР СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг бўйруғи (АВ томо-

нидан 2010 йил 18 декабрда 1626-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланётган хусусий тадбиркорларга кўйиладиган малакавий талаблар тўгрисидаги низомга ўзгаришириш ва юшимчалар киритилди («Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетида чөп этилмоқда).

Чунончи, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар улуши 80 фоиздан кўп бўлганда бозор товар билан тўлған хисобланади. Товар бозорларининг тўлғанлиги даражасини аниқлаш статистика органларидан давлат божхона хизмати органларидан, шунингдек, давлат ва хўжалик башкавруви бошқа органларидан ва хўжалик юритувчи субъектлардан олинган маълумотлар асосида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси томонидан амалга оширилади. Улар асосида Кўмита Иқтисодиёт вазирлигига рақобат муҳити, монополаштириш даражаси ва ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлғанлиги даражаси тўгрисида тегиши хуласага тақдим этади.

Ҳужжатга бошқа ўзгаришишлар ҳам киритилган.

2010 йил 28 декабрдан кучга кирди.

НОТАРИАЛ КАСТИНГ

Адлия вазирининг бўйруғи (АВ томонидан 2010 йил 20 декабрда 2165-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўгрисидаги низом тасдиқланди. Танлов Адлия вазирлиги хузуридаги Олий маълака комиссияси томонидан ўтказилади. Комиссиянинг иши органи бўлуб нотариат, ФХДЕ ва адвокатура бошқармаси хисобланади.

Унда иштирок этиш учун комиссия номига ариза; паспорт нусхаси; белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варажда; межнат дафтарчалигини нотариат ёки иш жойидаги тасдиқланган нусхаси; талаборнинг малака имтиҳонини топширганилиги тўгрисидаги масалалари охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўгрисидаги тавсифнома тақдим этилиши керак. Низом билан бошқа масалалар ҳам тартибга солинган.

Адлия вазирининг бўйруғи (АВ томонидан 2010 йил 21 декабрда 2166-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Олий маълака комиссияси тўгрисидаги низом тасдиқланди. Олий маълака комиссияси нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўгрисидаги масалалари ҳам этиш, нотариус қасамёдини қабул қилиш, ҳудудий малака комиссияларининг қарорлари устидан берилган апелляцияларни кўриб чиқиш, шунингдек малака комиссияларининг иш амалиётини умумлаштириш ва таҳлили қилиш учун тузилид. Белгиланишича, њеч бир давлат органи ёхуд манфатдор шахс Олий маълака комиссиясининг фоалиятига аралашибига ҳақиқи эмас.

Адлия вазирининг бўйруғи (АВ томонидан 2010 йил 22 декабрда 2170-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Давлат нотариал идораларида нотариат иш юритиши қоидалари тасдиқланди. Улар билан нотариал ҳаракатларни амалга оширишда ҳужжатларни тайёрлаш, қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва расмийлаштириш қоидалари тартиби солинган. Шунингдек ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан назорат, ҳужжатлар йигмажилларни номенклатуросини тузиш ва шакллантириш, уларни саклаш ва нотариат архивларга топшириш масалалари ҳам кўриб чиқилган.

Иш юритиши ва нотариал ҳаракатлар давлат тилда амалга оширилиши белгиланган. Бироқ нотариал ҳаракатлар бўйича расмийлаштириладиган ҳужжат матни мижонинг талабига биноан бошқа тилда расмийлаштирилиши ҳам мумкин. Ходимга бир йилда ҳақиқатда тўланадиган маддий ёрдамнинг чекланган миқдори эса ЭКИХнинг ўн бараваридан ошмаслиги лозим.

НОТАРИАЛ АРХИВ МАЪЛУ

Долзарб интервью

– Саволларингизга жавоб беришдан аввал мамлакатимиз ҳукумати 2010 йилнинг бошларидан алкоголь маҳсулотлар бозорига янги нарх тизимини нима мақсадда жорий этганлигини, алкоголь маҳсулотларнинг минимал улгуржи-сотув ва чакана нархлари миқдори 327-сон қарорнинг 1-иловасида белгилаб қўйилганидан паст нархларда сотилмаслиги кўрсатиб ўтилганлиги замирида қандай мудда ётганлиги эслатиб ўтиш ўринли деб ўйлаймиз.

Биринчидан, ишлаб чиқарувчи айрим корхоналар солик тўловлари тўлашдан бўйин товлаш ҳамда қилган харажатларини имкон қадар камайтиришнинг фирром усуларини қўллаш эвазига ўз товарлари учун демпинг баҳолари белгилаш йўли билан таннархни ва фойдани сунъий равишда камайтиришларини истисно этиш мақсадида шундай қилинди. Бугунги кунда мамлакати мизда 38 корхона алкоголь маҳсулот чиқариш билан шуғулланмоқда. Уларнинг 5-8 таси 2010 йилга қадар шундай амалиёт билан шуғулланган. Демпинг рақобат ривожланиши жадаллашуви йўлида тўғаноқ эканлиги барчага аён. Ўтган бир йил шуни кўрсатдики, антидемпинг чораси тариқасида минимал нарх белгилаб қўйилганлиги ўзини тўла оқлади.

Савдо соҳасига келганда айтиш мумкинки, алкоголь ичимликларга минимум нарх жорий этилганлиги хуфиёна секторда тайёрланган спиртли ичимликларни очик бозордан ситиб чиқаришнинг самарали воситасига айланди. Шу зайлар ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам, савдо ташкилотларининг ҳам даромадларини легаллаштириш вазифаси ўз ечимини топмоқда.

Иккинчидан, бу тизим маърифатли ва соғлом рақобатлашув шаклланишига, бизнес соҳаси фаолият олиб бориши учун тенг ҳароитлар таъминланишига хизмат қилинмоқда. Минимум нарх белгиланганча, ноинсоф ишлаб чиқарувчилар ҳам, хуфиёна тарзда ишлаб чиқарувчилар ҳам алкоголь ичимликлар бозорида рақобатлашув жаҳасида арzon нарх ҳисобидан бирдан-бир эга бўлган афзалликдан маҳрум бўлдилар. Зотан, ошкора ва қонуний маҳсулот билан қалбаки маҳсулот нархи қиёсланадиган вазиятда истеъмолчи энди танловни бошка кўрсаткичлар, айтайлик, маҳсулот сифати, савдо маркаси, ишлаб чиқарувчига бўлган ишонч ва шу сингари кўрсаткичлар асосида амалга оширади.

Учинчидан, минимум нарх истеъмолчиликарни ясама ва қалбаки маҳсулотлардан ҳимоя қиласи. Таъкидлаш жоизки, 327-сон қарорда алкоголь ичимликларни хуфиёна тарзда ишлаб чиқаришга ҳам, қалбаки маҳсулотлар реализация қилинишига ҳам барҳам бериш юзасидан самарали чоралар назарда тутилган. Минимум нархлар эса сифатсиз алкоголь маҳсулотлар дўкон пештахталаридан жой олишига йўл қўймайдиган ўзиға хос ғов-тўсик бўлиб қолди.

– **Жорилла Хайруллаевич, алкоголь маҳсулотнинг минимум нархи 2011 йил 1 январдан ўтиборан оширилганлигига нима сабаб бўлди?**

– Бундай чора кўрилиши зарурати алкоголь маҳсулотларнинг амалдаги минимум нархлари акциз солиги ҳам, хом ашёнинг ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бошка қўшимча материалларнинг қиммати ҳам ошганлигини мухассам эта олмай қолганлиги тақозосидир. Фурсати келганлиги учун шуни эслатиб ўтиш ўринлики, Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишиб олган ҳолда 327-сон қарорнинг 2-бандида нарх-наво ва маҳсулот реализация қилиш ҳажми ўсишидан келиб чиқиб, алкоголь маҳсулотнинг минимал улгуржи-сотув ва чакана нархларини қайта кўриб чиқиши мумкинлиги қайд этилган.

Янги минимум нархларни холислик неғизида белгилаш учун Молия вазирлиги кўп кирави, кенг кўламли мониторинг ўтказди. Алкоголли ичимлик бозоридаги жорий вазиятни таҳлил этиши асосида, шунингдек ёндиғина бошланган жорий йилда тармоқ равнақ топиши, алкоголь ичимликларга бўлган акциз солиги ставкалари ошишини инобатга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси



НАРХИГА ҚАРАНГ, НАРХИГА

Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 13 декабрда 2163-сон билан рўйхатдан ўтказилган, «СБХ»нинг 2010 йил 30 декабрдаги 52 (856)-сонида ўзлон қилинган) билан алкоголь маҳсулотлар учун (пиводан ташқари) энг кам улгуржи-сотув ва чакана нархлар қайта кўриб чиқилди. Ана шу янги нархлар 2011 йил 1 январдан кучга кирди.

Минимал нарх чегарасининг кўтарилишига сабаб бўлган омиллар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 декабрдаги 327-сон қарори (бундан бўён матнда 327-сон қарор деб юритилади) билан белгиланган алкоголь маҳсулотлар учун энг кам нарх жорий этиш механизми амал қилган бир йил мобайнида эришилган натижалар ҳақида Молия вазирлиги бошқармаси бошлиғи Жорилла АБДУЛЛАЕВ мухбири мизга қўйида гиларни гапириб берди.

масига бундай маҳсулотларнинг минимал улгуржи-сотув ва чакана нархларини қайта кўриб чиқиши тақлифи киритилди ва тақлиф маъкулланди. Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг юқорида номи зикр этилган қўшма қарор иловасида янги минимал нархлар белгиланди.

Чунончи, 2011 йил 1 январдан ўтиборан ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг 0,5 литр ҳажмидаги ҳар қандай тайёр виноси (мамлакатимизда ишлаб чиқарилётган винолар ҳажмидаги куввати ўтиқир виноларнинг улуши 90 фоизга боради, қолгани эса натурал ва турли шампан виноларидир) нархи 1 000 сўмдан кам бўлмаслиги лозим, ана шу ҳажмидаги ликёр-ароқ маҳсулотлари нархи эса камида 2 150 сўм бўлиши керак. Уларнинг чакана савдодаги энг кам нарх тегишинча 1 250 ва 2 700 сўмни ташкил этади.

Кўриниб турибдики, маҳсулотнинг минимал нархидаги ўзгаришлар кўтарилиш сари юзланмоқда, бу эса айни бир вақтда бозорга фақат сифатли маҳсулотлар келиб тушишини таъминламоқда.

Шуниси ҳам борки, пиравард истеъмолчи, яни харидор сотовдаги алкоголь маҳсулотнинг баҳоси минимал нархдан арzonлиги унинг ё қалбаки, ёки хуфиёна ишлаб чиқарилган маҳсулот эканлигини англатишини аниқ билиб олиши керак. Назорат қилувчи органлар учун белгилаб қўйилган нархларга риоя этилиши ишлаб чиқарувчи давлат бюджетига жорий соликлар ва тўловларни тўлаганлиги, бинобарин маҳсулотни ошкора йўсунда ишлаб чиқарганлигининг яна бир тасдиғи бўлиб колади.

Алкоголли маҳсулотлар учун қатъий белгиланган минимал нархларга энг аввало савдо ташкилотларининг риоя этишида муҳим жиҳатлардан бири самарали назорат ҳисобланади. Айтингчи, ана шу назорат қай йўсунда амалга оширилади?

– Минимум нархларга савдо корхоналари ва ишлаб чиқарувчilarнинг риоя этиши устидан давлат назорати механизми 327-сон қарорнинг 4-бандида белгилаб қўйилган. Алкоголли маҳсулотларни белгилаб қўйилган минимал улгуржи-сотув ва чакана нархлардан арzonроқ сотиш ҳолларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш учун Молия вазирлиги, ДСК, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш идорасининг худудий бўлимларига, ишлаб чиқарувчи корхоналар ва савдо ташкилотларига юборилди. «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компаниясига алкоголь маҳсулотлар учун янги минимал нарх белгилашга оид қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш, шунингдек жойларда тегишли тушунтирув ишларини олиб бориш, шу жумладан бу ишни оммавий ахборот воситалари орқали амалга ошириш чораларини кўриш топширилган. Оммавий ахборот воситалари орқали олиб бориладиган ишларда барча манбаатдор вазирларликлар ва идоралар иштирок этади. Бугунги сұхбатимиздан кўзланган мудда ҳам газетхонларни бу борадаги янгиликлардан хабардор этишдан иборат дейишга ҳақлимиз.

давлат қўмитаси мунтазам равишда мониторинг ва белгиланган тартибида текширулар олиб бормоқда. Бу борада қоидабузарликлар аниқланган тақдирда корхоналарга нисбатан тегишли жарима чоралари қўлланилади, мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жазо чоралари кўрилиши ёки жиноят иши қўзғатилиши мумкин.

– Мамлакатимизда бир йил муқаддам илк бор алкоголь маҳсулотлар учун энг кам нарх чегараси белгилаб қўйилган эди. Янгича нархлар тизими кўзга кўринарли натижалар бердими?

– Алкоголли ичимликлар ишлаб чиқариш ва уларни сотиши соҳасида минимум нархларга риоя этилиши устидан давлат йўли билан аниқ, пухта ва комплекс назорат тизими амалга оширилаётганлиги анчагина салмоқли натижалар берди. Минимал нарх алкоголь ичимликларнинг хуфиёна бозорига қарши курашнинг самарали усули сифатида ўтган йилнинг 11 ойи якунлари бўйича мамлакатимиз бюджетига қўшимча давлатда 24 млрд сўм (акциз солиғини ҳисобга олмагандан) келиб тушишини таъминлади. Йил якунлари бўйича давлат фазасига бу ўйналишдаги тушум 28–29 млрд сўмга боради деб кутилмоқда. Самара яққол кўриниб турганлиги шу-да!

Мазкур механизм амал қилган бир йиллик муддат минимал нархларнинг қўлланилиши мамлакатимизда шу хил товарларни ишлаб чиқарувчilar ўтасиди ҳалол рақобат ривожлантирилишининг қудратли омили бўлиб қолганлигини кўрсатди. Спиртли ичимликлар сотиладиган савдо нуқтасида белганинг бўлганинг беихтиёр маҳсулотларнинг кенг ассортиментига, ташки қўринишига ўтибор қаратасан киши. Эндиликда уларнинг идиши ҳам, ёрликлари ҳам бежирим, маҳсулотнинг сифати анчагина яхшиланди. Ёдинизда бўлса, авваллари маросимларда, айниқса Тошкент шаҳрида импорт (легал ёки контрабанда йўли билан олиб келинган) ароқларни истеъмол қилиш обрў саналарди. Кейнинг вақтларда эса кўпроқ мамлакатимизнинг етакчи заводлари маҳсулотларига талаб-эҳтиёж ошиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Айтиш жоизки, пивони истисно этганда барча турдаги алкоголь маҳсулотларга ҳам улгуржи-сотув минимал нархларни комплекс тарзда белгилаган ва мамлакатимизда қўллаб келинаётган мөденинг самарадорлиги бу тажрибадан бошка давлатлар ўрнак олаётганлиги билан ҳам тасдиқланади.

Масалан, бундай ёндашув ўринли ва мақсадга мувофиқ эканлиги эътирофи сифатида Россияда ҳам 2010 йилда минимум нархлар белгиланди, лекин бу чора фақат ароқка нисбатан жорий этилди ва савдо соҳасидагина қўлланилмоқда. Россиянинг алкогольли ичимликлар бозорида қарор топган вазият доирасида бу янгилик дўкон пештахталари сифатсиз спирт ва алкоголь маҳсулот билан тўлдириб юборилаётганлиги олдини олиш учун етарли бўлмади. Шу боис бу йил Россия Федерацияси маҳсулот ишлаб чиқарувчilar учун ҳам минимал нарх белгилашни режалаштироқда.

– Чакана савдо учун минимал нархлар оширилганлиги савдо ҳажмига таъсир этмайдими деган саволга нима дейсиз?..

ТМЭК ҚОИДАЛАРИ ЯНГИЛАНДИ

Республикамида тиббий-мехнат экспертизаси хизматини бошқариш ва унинг фаолиятини ташкил этиши такомиллаштириляпти, тиббий кўрикдан ўтказиш сифатига ҳамда ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касбий соғломлаштиришининг самарадорлигига қўйиладиган талаблар ошириляпти. Тиббий-мехнат эксперт комиссияларига юқори малакали, ҳалол тиббий кадрлар олиняпти.

Хозирги вақтда ТМЭК тиббий-мехнат экспертизаси хизмати тизимида Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг мустақил таркибий бўлинмаси ҳисобланади. Илгари у Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги таркибига кирап эди. Ушбу соҳани такомиллаштириш зарурати аввало уни тартибига соловчи баъзи меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни жиддий равишда ўзгартериш ва умуман қонунчиликка тегишли ўзгартериш ҳамда қўшимчалар киритишни талаб қилди.

Айни шу сабаб Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 11 ноябрдаги 250-сон қарори қабул қилинишини тақозо этди, унга биноан меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни илгари қабул қилинган ҳужжатларга мувофиқлаштириш ва тиббий-мехнат экспертизаси хизмати фаолиятини ташкил этишини такомиллаштириш мақсадида ҳукуматнинг баъзи қарорларига бир қатор ўзгартериш ва қўшимчалар киритилди.

ТАРКИБИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

Молия вазирлиги Бош назорат-тафтиш бошқармасининг (бундан кейин – БНБ) янги ташкилий тузилмаси тасдиқланиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги 393-сон қарорига¹ ўзгартишлар киритилиб, уларга биноан БНБ таркибига ТМЭК хизмати фаолиятини назорат қилиш бўлими киритилди.

Ушбу бошқарма зиммасига қўшимча вазифалар юкланди, улар сирасига қуидагилар кири: ТМЭК фаолиятини Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими мутахассисларни жалб этган ҳолда доимий равишда текшириш; ўтказилган тиббий-эксперт текшириш комиссияларининг тўғрилиги ва асосланганлигини, шу жумладан даволаш-профилактика муассасалари томонидан берилган бошланғич тиббий ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ишончлигини ўрганиш йўли билан текшириш. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маблағларидан мақсадли фойдаланиши устидан назорат қилиш бошқармасида ТМЭК хизмати фаолиятини назорат қилиш бўлими очилди.



Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 17 майдаги 89-сон² ва 2008 йил 8 августдаги 175-сон³ (бундан кейин – 175-сон қарор) қарорларига киритилган ўзгартишлар Ногиронларни соғломлаштириш ва протезлаш миллий маркази (бундан кейин – Марказ) ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекциясининг (бундан кейин – Инспекция) янги вазифалари ва функцияларини белгилаб берди. Хусусан, Марказ энди ногиронлар меҳнат қилиш қобилиятларининг тиббий-мехнат экспертизаларини ўтказиш билан шуғулланмайди ва ТМЭК фаолиятини мувофиқлаштирмайди. Унинг зиммасига, мавжуд вазифаларга қўшимча равишда, ногиронликнинг ҳолати ва сабабларини тизимли асосда чукур таҳлил қилиш, унинг олдини олиш бўйича илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ногиронларга фаол ҳаёт фаолияти, ўқиш ва меҳнат фаолияти имкониятини олишда кўмаклашиб бўйича вазифалар юкланди.

175-сон қарорга киритилган янгиликлар билан Инспекциянинг асосий вазифалари кенгайтирилди ва аниклаштирилди. Хусусан, унинг фаолиятига ТМЭК томонидан ҳаёт фаолияти чекланганлигини экспертиза қилиш, ногиронликнинг гуруҳларини, сабабларини, бошланган вақтини ва муддатларини аниклаш; экспертизалар натижаларини, даволаш-профилактика муассасалари томонидан берилган тиббий ҳужжатларни ва фуқароларни тиббий текшириш натижаларини доимий равишда ўрганиш асосида ногиронликнинг ҳолатини, ўзгаришини ва ногиронликка олиб келган омилларни тизимли таҳлил қилиш бўйича раҳбарлик қилиши кўрсатилади.

ТМЭКнинг асосий вазифалари сирасидан ногиронларни соғломлаштириш воситалари билан таъминлаш ҳамда туман, туманлараро, шаҳар ва ихтисослаштирилган ТМЭКларнинг меҳнатда шикастланган ёки касбий касалликка дучор бўлган беморлар ва ногиронларга иш берувчilar томонидан кўрсатиладиган ёрдамнинг қўшимча турларига муҳтоҷликни аниклаш бўйича фаолиятини назорат қилиш чиқариб ташланди.

ТИББИЙ ТЕКШИРИШДАН ЎТКАЗИШ

Тиббий-мехнат эксперт комиссияларida фуқароларни тиббий текширишдан ўтказиш ва ногиронликни белгилаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (175-сон қарорга 3-илова) 2-бандига киритилган ўзгартишларга биноан бош ТМЭКлар энди ТМЭК тиббий ходимлари ва уларнинг якин қариндошларини тиббий-мехнат экспертизаси масалалари бўйича тиббий текширишдан ўтказиша оладилар. Илгари улар факат тор доирадаги шахсларни (шифокорлар; хуқуки мухофаза қилиш органларининг ходимлари; жиноят содир этишида гумон қилинаётган, айланувчи шахслар; судланувчilar, хукм чиқарилганларни; шунингдек фуқаролар туман, туманлараро, шаҳар ва ихтисослаштирилган ТМЭКларнинг хulosasiga қўшил-



маган ҳолларда) тиббий текширишдан ўтказар эдилар.

Ҳужжат қўидаги қоида билан тўлдирилди: тиббий ҳужжатларда қасддан соҳта маълумотлар кўрсатган, ушбу маълумотлари ТМЭК томонидан нотўғри хulosalap чиқариш учун асос бўлган шахслар, шунингдек соҳта хulosalap берган ёки ногиронлик гурухини қасддан нотўғри белгилаган врачлар ва экспертизлар жавобгарликка тортиладилар.

ТМЭКнинг тиббий текшириш ўтказиш муддати узайтирилди. Энди бутун таомил комиссия томонидан ҳужжатлар қабул қилинган кундан бошлаб 2 ҳафтадан ошмайди. Илгари ушбу муддат 10 кунни ташкил қиласа эди.

Организм органлари ва тизимлари нотурғун тикланадиган морфологик ўзгартганда ва функциялари бузилганда даволаш самарадорлиги ва реабилитация тадбирларини ўтказиш, соғлиқнинг ҳолати ва ижтимоий мослаши даражасини кузатиш мақсадида ногиронларни қайта тиббий-мехнат эксперт текширишдан ўтказишнинг энг кам муддати камайтирилди. Энди у ярим йил, бир йил ёки икки йилда бир марта ўтказилади, илгари у бир йил ёки икки йилда бир марта ўтказилган. Белгиланишича, даволоччи враchlар ва Тиббий маслаҳат комиссияси (ТМК) раислари ногиронлик гурухи қайта тиббий текширишдан ўтказиш муддати кўрсатилган ҳолда белгиланган фуқароларни ТМЭКга тиббий текширишдан ўтказишга юбориш учун ҳужжатларнинг ўз вақтида расмийлаштирилиши учун шахсан жавоб берадилар.

Ҳужжатга илгари белгиланган муддатлардан қатъи назар айрим ҳолларда ТМЭК муассасалари томонидан тиббий текширишлар ҳужжатлari ва хulosalarinin takroriy экспертизадан ўтказилишини белгилайдиган қoидalar киритилган. Чунончи, ТМЭК тақорорий тиббий текширишдан ўтказиш учун ногиронга тақорорий тиббий текширишдан ўтказиш санаси, вақти ва жойини кўрсатган ҳолда билдиришнома юборади. У тақорорий тиббий текширишдан ўтказишга келмаган тақdirda унга тақорор билдиришнома юборилади, узрли сабаблар (стационар даволанишида, хизмат сафарида ёки ўқишида бўлган ҳоллар) бундан мустасно. Агар у бундан кейин ҳам тиббий текширишдан ўтказишга узрли сабабларсиз тақорор келмаса, бу тақорорий тиббий текширишдан ўтказиш белгиланган санадан кейин 10 кун ўтгач ногиронлик бўйича пенсия тўлашнинг тўхтатиб қўйилиши учун асос ҳисобланади. Ногиронлик бўйича пенсия тўловини тиклаш фақат бош ТМЭКларнинг фуқаронинг тўлов тўхтатиб қўйилган кундан бошлаб саломатлиги ҳолати тўғрисидаги эксперт қарори асосида амалга оширилади.

Ҳаракатланиши воситалари билан таъминлаш амалга ошириладиган тиббий кўрсатмалар рўйхати кенгайтирилди. Энди уларга

ҳар иккала оёқ тизза бўғимидан юқори қисмидаги тиббий кўрсатмаларга мувофиқ протезлаш имкони бўлмаган ампутацион чўлтоқлар ҳам киради.

НОГИРОНЛИККА – МУДДАТСИЗ

Тиббий текширишдан қайта ўтказиш муддати кўрсатилмасдан ногиронлик гурухи белгиланадиган касалликлар рўйхатига (175-сон қарорга б-илова) киритилган қўшимчалар билан ногиронлик гурухини тақорорий тиббий текширишдан ўтказиш муддати кўрсатилмасдан белгиланадиган асабурий касалликлар рўйхати кўидаги касалликлар билан тўлдирилди:

боловлар церебрал фалажи, наслий-дегенератив касалликларнинг оғир оқибатлари, яққол ифодаланган кўпол гемисиндром, тотал ҳамда ҳаракатланиш, сенсор ва олий пўстлок функциялари бузилиши (апраксия, агнозия, деменция) каби барқарор турғун асоратларга эга бўлган икки йилдан ортиқ давом этган бош ва орқа мия қон-томир касалликлари ҳамда оғир жароҳатлар;

яққол ифодаланган ҳаракатланиш, пўстлок ости, мияча ва статодинамик бузилишлар босқичидаги марказий асаб тизимининг сурункали кучайиб борувчи касалликлари.

Ногиронлик гурухи тақорорий тиббий текширишдан ўтказиш муддати кўрсатилмасдан белгиланадиган кулок, ҳалкум ва бурун касалликларига энди карлик ҳам киритилган.

Шунингдек ногиронликнинг III гурухини муддатсиз белгилаш шартлари ўзгартирилди. Илгари ногиронликнинг III гурухи, агар ногиронларда охирги 7 йил мобайнида гурух ўзгартмagan бўлса, муддатсиз белгиланар эди. Энди шунга қўшимча равишида кўрсатиб ўтилган давр мобайнида даволаш-профилактика муассасаларида тўлақонли диспан-серизациядан ўтиш, реабилитация қилиш индивидуал дастурининг барча бандларини бажариш ҳамда кейинги реабилитация тадбирларининг барча турларини ўтказишнинг истиқболсизлиги аён бўлиши лозим. Кўрсатиб ўтилган талаблардан ҳатто биттаси бажарилмаган тақdirda ҳам муддатсиз ногиронлик белгиланмайди.

Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг бўйруги билан (AB томонидан 2010 йил 29 октябрда 839-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Ишлаб чиқаришда ногиронлар меҳнатидан фойдаланувчи иш жойларини аттестациядан ўтказиш тартибига ўзгартишлар киритилди. Энди иш жойларини аттестациялаш ногиронлар меҳнатидан фойдаланувчи барча корхона ва ташкилотларда ўтказилади (илгари у ногиронлар ишловчиларнинг камида 50%ни ташкил этган ҳолларда ўтказиларди).

**Артём АДЕЕВ,
«Norma» МЧЖ эксперт-юристи.**

ЎЗБЕКИСТОН КОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**
 - Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида.
- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЕРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**
 - ЎзАДТА бошлигининг «Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғуланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғуланаётган хусусий тадбиркорларга кўйиладиган малакавий талаблар тўғрисида»ги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруги;
 - ЎзР адлия вазириининг «Корақалпогистон Республикаси Адлия вазирилиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари хузуридаги нотариал архивлар штат бирликлари сони ва юридик ва жисмоний шахсларга маълумотномалар ва архив хужжатлари нусхалари, шунингдек, нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатлари ва реестрлардан кўчирмалар берилганини учун улар томонидан ундириладиган ҳақ миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруги;
 - ЎзР ВМ хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси, МАИМҚВ, МВнинг «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августандаги 233-сон қарори билан тасдиқланган бюджет маблаглари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларини ўзгартириш тўғрисида»ги қарори.
- **МЕЪЕРИЙ-ХУҶАҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2010 ЙИЛ 4 ДЕКАБРДАН 10 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ 2011 ЙИЛГИ АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ПРОГНОЗИ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 52-сон, 513-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон қарорига
12-1-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИГАН АКЦИЗ СОЛИФИГА ТОРТИЛАДИГАН ТОВАРЛАРГА НИСБАТАН АКЦИЗ СОЛИФИ СТАВКАЛАРИ*

Товарлар номи	Солиқ ставкаси	
	акциз солиги ва ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда сотилган товарлар қийматига нисбатан фоизларда	бир ўлчов бирлигига сўмда
1. Этил спирти (1 дал учун)		2 292
2. Вино (1 дал тайёр маҳсулот учун) ¹		4 744
3. Конъяқ, ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотлар (1 дал тайёр маҳсулот учун) ¹		18 956*
4. Пиво (1 дал тайёр маҳсулот учун) ¹		2 156
5. Ўсимлик (пахта) ёғи (1 тонна учун): озиқ-овқат ёғи (саломас ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёғ ва «Ўзбекистон» ёғидан ташқари)		657 900
техник мой (кислота миқдори 0,3 мг КОН/г дан юқори, озиқ- овқат маҳсулотлари таркибига қўшишга яроқсиз бўлган)		361 900
6. Сигареталар (1 минг дона учун): фільтри		8 949
фільтрсиз, папирослар		4 319
7. Заргарлик буюмлари	25	
8. "Женерал Моторс Ўзбекистон" ЁАЖ ишлаб чиқарган автомобиллар ²	29	
9. Кумушдан ишланган ошхона анжомлари	11	
10. Қимматбаҳо металлар ²		
11. Нефть маҳсулотлари: Аи-80 бензини	40%, бироқ камидаги 292 250 сўм/тонна	
Аи-91, Аи-92, Аи-93 бензини	40%, бироқ камидаги 321 300 сўм/тонна	
Аи-95 бензини	40%, бироқ камидаги 371 750 сўм/тонна	
дизель ёқилғиси	34%, бироқ камидаги 248 550 сўм/тонна	
ЭКО дизель ёқилғиси	34%, бироқ камидаги 258 500 сўм/тонна	

*Илова таҳририят томонидан ўзбек тилига ўғирилган. Маълумотнома тусига эга.

<i>Товарлар номи</i>	<i>Солиқ ставкаси</i>	
	<i>акциз солиги ва КҚСни ҳисобга олмаган ҳолда сотилган товарлар қийматига нисбатан фоизларда</i>	<i>бир ўлчов бирлигига сўмда</i>
авиакеросин	9%, бироқ камида 43 350 сўм/тонна	
12. Табии газ (аҳолига сотиладиган табии газ ҳажмларидан ташқари), шу жумладан экспорт ²	25	
13. Ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотиладиган суюлтирилган газ («Ўзтрансгаз» АК минтақалараро унитар корхоналари томонидан аҳолига сотиладиган газ ҳажми бундан мустасно), шу жумладан экспорт ²	26	
14. Пахта толаси ³		

*Ҳажмий улушида этил спирти 40 фоиздан кўп бўлган конъяк, ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотларга акциз солиги ставкаси 1 дал тайёр маҳсулот учун 31 236 сўм миқдорида белгиланади.

Изоҳлар:

1. Бир ўлчов бирлигига сўмда белгиланган акциз солиги ставкалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан нархларнинг динамикаси ҳамда маҳсулотнинг сотилиши ҳажсимидан келиб чиқсан ҳолда иш мобайнида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

2. «Женерал Моторс Ўзбекистон» ЁАЖ автомобиллари, табиий ва суюлтирилган газ, шунингдек қимматбаҳо металларга акциз солигини тўловчилар ва уни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўймитаси билан келишилган ҳолда белгиланади.

3. Пахта толасининг ички нархлари (реализация бўйича ҳаражатларни ҳисобга олган ҳолда) ва уни реализация қилишининг ҳақиқий нархи ўртасидаги ижобий фарқ пахта тозалаш корхоналарининг маҳсус ҳисобрақамида жамланади ва 25 фоизгача бўлган миқдорда Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ кредиторлик қарзини сўндириши учун пахтачилик фермер хўжаликларига, 25 фоиз миқдорида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳисоб-китоб қилиш жамғармасининг кредитлари бўйича қарзларни сўндиришга, қолган қисми эса — мазкур Жамғарманинг оборот маблагларини тўлдиришига йўналтирилади.

ЎзР Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги
ПҚ-1449-сон қарорига
30-ИЛОВА

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАБЛАГЛАРИ ҲИСОБИГА МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИГАН УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ УЗАЙТИРИЛГАН КУН ГУРУҲЛАРИДА БОЛАЛАР ТАЪМИНОТИ УЧУН ОТА-ОНАЛАР ТЎЛОВИ МИҚДОРЛАРИ*

N	<i>Таълим муассасасининг жойлашган жойи</i>	<i>Ойлик энг кам иш ҳақига %да</i>	
		<i>Умумтаълим муассасалари учун узайтирилган кун гурӯҳларида</i>	
I	Жойлашган жойидан қатъи назар	25	
Мактабдан ташқари муассасаларда*			
II	1 Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятга бўйсунадиган шаҳарлар	30	
	2 Бошқа шаҳар аҳоли пунктлари	7	

*Қишлоқ жойлардаги мактабдан ташқари муассасаларда, шунингдек спорт йўналишидаги мактабдан ташқари муассасаларда ҳақ ундирилмайди.

Изоҳ.

Ота-оналар тўлайдиган ҳақдан келиб тушган тушумлар мақсадли тартибда йўналтирилади:
умумтаълим муассасаларининг узайтирилган кун гурӯҳлари – узайтирилган кун гурӯҳлари тарбиячиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва тарбияланувчиларнинг бир марталик овқатланишини ташкил этиши ҳаражатларига;
мактабдан ташқари таълим муассасаларида – моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш ва тўғарак раҳбарларини моддий рағбатлантиришига.

*Илова таҳририят томонидан ўзбек тилига ўғирилган. Маълумотнома тусига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон қарорига
31-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ 2011 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТАДИГАН ҚАРОРЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 январдаги ПҚ-257-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомнинг 221-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта толасини сотиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида» 2006 йил 29 августдаги ПҚ-456-сон қарорига 1-илова 37-бандининг тўртинчи хатбоши ва 2-илованинг 33-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ-499-сон қарори билан тасдиқланган

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблагларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 35 ва 36-бандлари.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирадиган узоқ муддатли кредитлари улушкини кўпайтириши рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 28 июлдаги ПҚ-1166-сон қарори 8-бандининг учинчи хатбоши.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бугдой уни

олиб келишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 21 июндаги ПҚ-1356-сон қарори.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахслардан солиқлар ва йигимларни ундиришни тартибга солиш тўғрисида» 1997 йил 23 октябрдаги 483-сон қарорининг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 10-сон, 35-модда).

